

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У Қ М

2024 йил декабрь ойининг 11 куни, Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Янгихаёт туман суди, Янгихаёт туман Меҳнат ва бандлик муносабатлари маркази биносига, очиқ сайёр суд мажлисида, раислик қилувчи судья С.Т.Махаметов, судья ёрдамчиси Н.Пирановнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Янгихаёт туман прокурорининг катта ёрдамчиси Д.Пардаев, судланувчи З.Кабланов ҳамда унинг манфаатларини ҳимоя қилган “ASILBEK ХИМОҲА” адвокатлик бюроси адвокати А.Буксинбаевнинг иштирокида, Кабланов Захриддин Пахритдиновичга нисбатан 1-1012-2401/533-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Кабланов Захриддин Пахритдинович,
(KABLANOV ZAXRIDDIRIN PAXRITDINOVICH)

13.01.1985 йилда Тошкент вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, муқаддам судланмаган, оилали, тўрт нафар фарзанди бор, Тошкент шаҳар, Янгихаёт тумани, “Виқор” МФЙ Спутник 2-дахаси, 53-уй, 10-хонадонда яшовчи иш бўйича “шахсий кафилик” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов ҳулосаси нусхасини ўз вақтида олган

Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддасининг 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи З.Кабланов 2024 йил 28 октябрь куни ўзига тегишли бўлган уяли алоқа воситасида мавжуд бўлган телеграмм ижтимоий тармоғи орқали гашиш гиёҳвандлик моддасини 200.000 сўм эвазига сотиб олиб, кейинчалик ўтказиш мақсадини кўзламаган ҳолда ўзининг шахсий истеъмоли учун ёнида сақлаб келиб, 2024 йил 28 октябрь куни соат тахминан 18:00ларда Янгихаёт тумани, “Хушнуд” М.Ф.Йда хизмат олиб бораётган ходимлар томонидан шубҳа уйғотганлиги сабабли, давлат рақами 01 Р 695 ХА бўлган “Спарк” автомобилини бошқариб келаётган З.Каблановнинг ёни ва унинг автомобили ҳолислар иштирокида кўздан кечирилганда автомобилнинг олд чап эшиги чўнтагидан бир дона жигар рангли ўткир хидли мумсимон моддалар борлиги аниқланиб, тегишли тартибда баённома расмийлаштириб олган.

Ўтказилган судга оид кимёвий экспертизанинг 2024 йил 30 октябрдаги №4256-сонли ҳулосасига кўра, З.Каблановдан олинган жигар рангли, ўткир хидли, мумсимон модда “гашиш” гиёҳвандлик моддаси бўлиб, уни оғирлиги 0,27 граммга тенглиги аниқланган.



Суд мажлисида судланувчи тариқасида сўроқ қилинган З.Кабланов, унга нисбатан эълон қилинган айбловга тўлиқ иқрорлик билдириб, ҳақиқатдан ҳам у 2024 йилнинг 28 октябрь куни соат тахминан 16:00да телгером ижтимоий месенджери орқали телеграмм канали орқали гашиш гиёҳвандлик воситасини сотиб олиш учун 200.000 сўм тўлов қилганлигини ва ушбу тўлов эвазига тахминан 0.3 грамм гиёҳвандлик воситасига буюртма берганлигини, сўнгра ушбу буюртмани телеграм иловаси орқали телеграм канали томонидан юборилган геолокация орқали Сергели тумани “Олчазор” МФЙ ҳудудидига, 4-метрополитени бекатидан тахминан 200 метр масофа босганлигини ушбу жойлашувга келганлигини, пиёдалар йўлагининг ёнида жойлашган, боғнинг чекка қисмида бўлган ўтлар орасидаги тошнинг остидан олганлигини, тахминан 17:00да ушбу гиёҳвандлик моддасини олиб, ўзининг бошқарувида бўлган оқ ранг “Спарк” русумли давалат рақами 01 Р 695 ХА автомашинасида Сергели тумани метрополитеннинг 5-бекати томон ҳаракатлана бошлаганлигини ва у ердан Янгихаёт тумани “Хушнуд” МФЙ ҳудудида жойлашган автомашиналарни ювиш хизматини кўрсатувчи шаҳобчанинг қаршисида тўхтаганлигини, сўнгра ушбу гашиш наркотик воситасини олганлигини ушбу ҳудудда жойлашган “Корзинка” савдомаркази биносининг ортки қисмига ўтганлигини ва ушбу ерда гашиш моддасини 0,5 литр бўлган газланмаган минерал сувнинг пластик идиши орқали истеъмол қилганлигини, Янгихаёт тумани Спутник 3-дахасида жойлашган “Олма” савдо шаҳобчаси олдида унинг таниши Эльвина исмли шахс билан кўришганлигини ва бироз у билан суҳбат қурганлигини, у билан биргаликда 10-ҳудуд томон ўз автомашинасида йўл олганлигини, сўнгра Эльвина билан мулоқатлашиб турган вақтида ИИО ходимлари ўзларини таништирганлигини уларда шубҳа уйғотганлиги сабабли уларни автомашинадан чиқишларини ва кўздан кечириб чиқишларини билдиришганлигини, уларнинг қонуний талабига кўра у автомашинадан чиққанлигини ва чўнтагидаги нарсаларни чиқара бошлаганлигини, шу вақтда унинг бошқарувида бўлган юқорида кўрсатиб ўтилган “Спарк” русумли автомашинанинг олд чап ҳайдовчи ўриндиқ қисмининг эшигидаги чўнтагидан оқ политилен пакетга ўралган, ўткир хидли, қора рангли, сақичсимон модда, яъни у телеграм ижтимоий месенджири орқали харид қилган, оғирлиги тахминан 0,2 грамм гашиш наркотик воситасини чиқарганлигини ва ўз хохши билан ИИО ходимларига ёнидан чиққан гиёҳвандлик воситаси унга тегишли эканлигини айтиб, айбига иқрор бўлганлигини ва ушбу моддаларни ундан ИИО ходимлари расмийлаштириб олишганлигини, ҳозирда айбини тушуниб етганлигини, қилмишидан пушаймонлигини, оиласида ягона боқувчилигини, унга нисбатан қонуний енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Судланувчи З.Каблановнинг айби унинг айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, қуйидаги далиллар билан ҳам исботланган.

Жумладан, тарафларнинг розилиги билан ўқиб эшиттирилган, судга ҳозир бўлмаган гувоҳ И.Курбаналиев дастлабки терговда, 2024 йил



28 октябрь куни соат тахминан 19:30 ларда шахсий ишлари билан юрган вақтида ёнига ИИО ходимлари келиб бир иш бўйича холис сифатида иштирок этишини таклиф қилгани, шунда уни бўш вақти бўлганлиги сабабли рози бўлгани, у билан бирга яни бир шахс иштирок этгани, ИИО ходимлари уларга ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиришганлигини, ҳамда у шу ерда оқ рангли “Спарк” автомашинаси борлигини кўриб гувоҳи бўлганлигини, шу ерда унга номаълум бўлган бир шахс турганганлигини, ушбу шахс ўзини З.Кабланов деб таништирганлигини, ушбу шахсни автомашинаси у ва у билан бирга холис сифатида қатнашган шахс билан тинтув кўздан кечирилганлигини, ушбу шахснинг автомашинасининг ҳайдовчи томонидаги эшигининг чап томонидаги кармон қисмидан оқ рангли полителен пакетга солинган қорамтир рангли шубҳали модда кўриниб турганлигини, ИИО ходимлари унга ва ёнидаги бошқа холисга ушбу моддани хидлатиб кўрганида ушбу модда ўткир хидли модда эканлигига гувоҳ бўлганганлигини, ушбу шахснинг автомашинасини кўздан кечириш жараёнида яъна автомашинанинг ҳайдовчи томонида ўтирган ўриндикнинг тагидан кичкина 0.5 хажмлик бакалашка чиққанлигига кўриб гувоҳи бўлганганлигини, ушбу шубҳали моддани ва бакалашкани ушбу З.Каблановдан сўралганлигини ушбу моддани ўзининг истеъмоли учун олиб юрганлигини айтиб ўтганлигини, ушбу пакетда чиққан модда сақичсимон модда ва қорамтир тўқ жигаррангли эканлигига кўриб гувоҳи бўлганлигини, ушбу шахсдан олинган нарсалар уларнинг яъни холисларнинг иштирокида канвертга солиниб муҳрланганлигини, ҳамда уларга ушбу шубҳали моддани экспертиза текшируви учун олинганини айтиб ўтишганлигини баён қилиб берган кўрсатуви билан.

Судланувчи З.Каблановнинг айби билдирги, ашёни олиш ҳақидаги баённома, судга оид кимёвий экспертизасининг хулосаси, юзлаштириш баённомаси, кўрсатувларини ҳодиса содир бўлган жойда текшириш баённомаси ва унга илова қилинган фото-суратлар, тушунтириш хатлари, кўрсатувлари судда ўқиб эшиттирилган гувоҳнинг дастлабки терговда берган кўрсатувлари билан ҳамда иш ҳужжатларида тўпланган бошқа далиллар мажмуи билан ўз тасдиғини топди.

Дастлабки тергов органи томонидан судланувчи З.Каблановнинг гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш мақсадини кўзламай, қонунга хилоф равишда олиш сақлашда ифодаланган қилмиш жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикасининг ЖК 276-моддасининг 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги 12-сонли “Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида” ги 12-сонли Қарорининг 6-банди талабига кўра, гиёҳванд воситаларига қонунга зид равишда эгалик қилиши шахсан истеъмоли билан боғлиқ ҳолда ёнида сақлаши ушбу моддаларни қонунга хилоф равишда сақлаш сифатида, 8-банди талабига кўра, гиёҳвандлик воситаларини олиш қонунга хилоф



равишда олиш сифатида баҳоланиши кўрсатилган.

Суд, судланувчи З.Каблановга жазо тайинлашда унинг шахсини, оилавий ва моддий шароитини, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, қилмишидан пушаймондалигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, жиноятни паст ниятларда содир этганлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб баҳолайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 3-бандида, Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Суд, судланувчи З.Каблановга жазо тури ва миқдорини танлашда содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини эътироф этган ҳолда шу билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 7,8-моддаларида кўрсатиб ўтилган одиллик ва инсонпарварлик тамойиллари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарори талабларидан келиб чиқиб, унинг шахсини, оилавий шароитини, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, қилмишидан пушаймондалигини, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини инобатга олиб, унга нисбатан айбли деб топилажак модда санкцияси доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлашни лозим топади.

Шунингдек, судга оид наркологик экспертизасининг 2024 йил 12 ноябрдаги № 2939-сонли хулосасига кўра, судланувчи З.Кабланов гиёҳвандликка қарши тиббий йўсиндаги мажбурий даволанишга муҳтож эмаслиги аниқланганлиги сабабли, унга нисбатан гиёҳвандликдан мажбурий даволаш чораларини қўлламасликни лозим топади.

Бундан ташқари, иш бўйича ашёвий далил сифатида олинган ва Ўзбекистон Республикаси ДХХ МСБга топширилган, экспертизада сарфланганидан қолган 0,25 грамм “гашиш” гиёҳвандлик воситасини ҳамда Янгиҳаёт туман ИИО ФМБ хузуридаги ТБ ашёвий далиллар сақлаш хонасига топширилган бир дона 0,5 литр бўлган елиб идиш ҳукм қонуний кучга киргач йўқ қилишни белгилашни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра ҳамда ЖПК 454-457, 460, 463, 465-468, 471,472-моддаларига асосан, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Кабланов Захриддин Пахритдинович, (KABLANOV ZAXRIDDIN PAXRITDINOVICH) Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддасининг



1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин ва унга шу модда билан иш ҳақининг 10 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда, 1 (бир) йил 6 (олти) ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Тайинланган жазо Тошкент шаҳар, Янгиҳаёт туман ИИБ Пробация гуруҳ белгиланган жойларда ўтатирилсин.

Жазони ўташ муддати жазо ижросини назорат қилувчи орган белгилаб берган ва жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса, ташкилотда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазо ижросини назорат қилиш Тошкент шаҳар, Янгиҳаёт туман ИИБ бошлиғи зиммасига юклатилсин.

3.Каблановга Ўзбекистон Республикаси ЖК 46-моддасининг 4-қисми талаблари яъни тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари муддатининг жами ўттиз кундан кўпроғини ўташдан узрли сабабларсиз бўйин товласа ёки Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқиб кетса, суд ахлоқ тузатиш ишларининг ўталмаган муддатини худди шу муддатга озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштирилиши мумкинлиги тушунтирилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач:

-3.Каблановга нисбатан қўлланилган “шахсий кафиллик” эҳтиёт чораси бекор қилинсин;

-Иш бўйича ашёвий далил сифатида олинган ва Ўзбекистон Республикаси ДХХ МСБга топширилган 0,25 грамм “гашиш” гиёҳвандлик воситаси йўқ қилинсин;

-Янгиҳаёт туман ИИО ФМБ ҳузуридаги ТБ ашёвий далиллар сақлаш хонасига топширилган бир дона 0,5 литр бўлган елиб идиш тегишли тартибда йўқ қилинсин.

Ҳукмдан норози тараф ҳукм эълон қилинган вақтдан, судланувчи эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, ўн сутка муддат ичида шу суд орқали Тошкент шаҳар судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида, иш апелляция инстанцияси судида кўрилмай ҳукм қонуний кучга кирган тақдирда кассация тартибида шикоят келтиришга, прокурор эса протест билдиришга ҳақли.

Раислик қилувчи судья:

(имзо)

С.Т.Махаметов

Нусхаси аслига тўғри:

